

«ТАСДИҚЛАНГАН»
«Hamkorbank» АТБ
акциядорларининг
умумий йиғилишида
2018 йил 23 июн куни

Банк Кенгashi раиси

И.И.Ибрагимов

“ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ
“НАМКОРБАНК” АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИНинг
КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ КОДЕКСИ” НИЗОМИГА
ҮЗГАРТИРИШЛАР

№	Амалдаги таҳрир	Янги таҳрир
1	<p>55-банд:</p> <p>Банк банкнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш учун Башқарув Раиси шахсида кучли лидер зарурлигини тушунади. У шунингдек бошқарув жараёнида мураккаб масалаларни ҳал қилишга тўғри келишини ва уларни ҳал қилиш учун якка тартиbdаги эмас, балки жамоавий ёндашув зарурлигини тан олади. Шу муносабат билан Банк Башқарув Раиси бошчилигидаги бошқарув таркибини тасдиқлайди.</p>	<p>55-бандга қўйидаги янги таҳрирда қўшимча киритилсин:</p> <p>Банк банкнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш учун Башқарув Раиси шахсида кучли лидер зарурлигини тушунади. У шунингдек бошқарув жараёнида мураккаб масалаларни ҳал қилишга тўғри келишини ва уларни ҳал қилиш учун якка тартиbdаги эмас, балки жамоавий ёндашув зарурлигини тан олади. Шу муносабат билан Банк Башқарув Раиси бошчилигидаги бошқарув таркибини тасдиқлайди.</p> <p>Банк Башқарувини ташкил этиш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш масалалари Банк Кенгаши қарори билан ҳал қилинади. Жамият уставига мувофиқ ёки акциядорлар Умумий мажлиси ёки Банк Кенгашининг қарори билан Банк Башқарувини тайинлаш, одатда, конкурсli танлов асосида амалга оширилади, унда хориж менежерлари ҳам иштирок этиши мумкин.</p> <p>Банк Башқаруви, Банк Башқаруви аъзолари, ваколатли бошқарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишлича банк Устави ва уларнинг ҳар бири билан банк бир йил муддатга тузадиган, ҳар йили уни давом эттириш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинадиган шартнома билан белгиланади. Шартномани банк номидан Банк Кенгаши Раиси ёки Банк Кенгашининг ваколатли шахси имзолайди. Банк Башқаруви, Банк Башқаруви Раиси, ваколатли бошқарувчи билан тузиладиган шартномада уларнинг банк фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ва акциядорлар Умумий мажлиси ва банк Кенгаши олдидағи жамият йиллик бизнес-режасининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисботларининг даврийлиги кўзда тутилган бўлиши керак.</p>
2		<p>64-бандга қўшимча:</p> <p>Жамиятга заарар етказишга олиб келган Қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки унга қарши овоз берган Банк Кенгаши, Банк Башқаруви аъзолари жавобгар бўлмайди.</p> <p>Аффилиранган шахс билан битимни ўрганган шахслар битим бўйича хуносалар ва якуний мулоҳазаларнинг ишончлилиги учун жавобгар бўлади.</p> <p>Айби суд томонидан исботланган аффилиранган шахс етказилган заарар, жамиятнинг аффилиранган шахс билан битимини ва даъвони судда кўриб чиқиш билан боғлиқ харажатларни қоплаши шарт.</p>

